



20 20 у. « 12 » август

№ Қ-371

« » 20 г.

**Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви
“Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “EAST
SWEET FRUIT VEGETABLES” МЧЖга
“Иссиқхона” қуриш учун вақтинча ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 июлдаги 05-02/467-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 07 июлдаги 01-05/107-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 июлдаги 05-02/467-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви “Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “EAST SWEET FRUIT VEGETABLES” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 360қ ва 362қ-дала контурларидаги жами 6,0 гектар шундан 1,7 гектар бўз ер тупроқ унумдорлиги 45,0 балл бонитетли ва 4,3 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ёрдамчи хўжалик ташкил этган ҳолда энгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “EAST SWEET FRUIT VEGETABLES” МЧЖ раҳбари Э.Бердиевга:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев